

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШНИЁЗОВ ЛАЗИЗЖОН ГОЛИБ ЎҒЛИ**

**ПОРТЛАТИШ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШ УЧУН  
ЭНЕРГОТЕЖАМКОР ШАРОШКАЛИ БУРҒИЛАШ АСБОБЛАРИНИ  
ЯРАТИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**04.00.16 – Кончилик машиналари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Олмалиқ – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Тошниёзов Лазизжон Голиб ўғли</b> Портлатиш қудуқларини бурғилаш учун энерготежамкор шарошкали бурғилаш асбобларини яратиш ва моделлаштириш .....	3
<b>Тошниёзов Лазизжон Голиб угли</b> Разработка и моделирование энергоэффективных шарошечных буровых инструментов для бурения взрывных скважин .....	19
<b>Toshniyozov Lazizjon Golib ugli</b> Designing and modeling of energy efficient rotary cutting drilling tools for blasthole drilling.....	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published papers.....	38

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШНИЁЗОВ ЛАЗИЗЖОН ГОЛИБ ЎҒЛИ**

**ПОРТЛАТИШ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШ УЧУН  
ЭНЕРГОТЕЖАМКОР ШАРОШКАЛИ БУРҒИЛАШ АСБОБЛАРИНИ  
ЯРАТИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**04.00.16 – Кончилик машиналари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Олмалиқ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/T672 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.misis.uz](http://www.misis.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Тошов Жавохир Буриевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Рахутин Максим Григорьевич  
техника фанлари доктори, профессор

Махмудов Азамат Махмудович  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** “Олмалик КМК” АЖ

Диссертация химояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.T.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» январда соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [afnitumis@mail.ru](mailto:afnitumis@mail.ru)).

Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 20-04-Д рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «29» декабрдаги 4 рақамли реестр баённомаси)



**Ф.Я. Умаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Г.С. Нутфуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ю.Д. Норов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олиш ер ости усулига нисбатан хавфсизлиги, қулайлиги ва бошқарилиши бўйича афзалдир. Юқори нарх ва меҳнат сарфи туфайли очик усулда қазиб олишда бурғилаш ва портлатиш асосий ишлаб чиқариш жараёнларидан биридир. Очик кончилик ишларида бурғилаш жараёнининг асосий қисми, яъни 80-85 %и уч шарошкали бурғилаш асбобларида амалга оширилади. Карьерларда асосан портлатиш қудуқларнинг чуқурлиги 5-36 метргача ташкил этиб, тоғ жинсларини парчалашда 100 дан ортиқ турдаги бурғилаш асбоблари қўлланилади. Очик усулда бурғилаш ишлари жараёни фойдали қазилмаларни қазиб олиш умумий ҳаражатларининг 25-55 %ини ташкил этади. Бурғилаш ва портлатиш ишларининг бутун жараёнини тадқиқ қилиш орқали самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бурғилаш ишларининг унумдорлигини ва самарадорлигини ошишига олиб келади. Бурғилаш ва портлатиш жараёнларини такомиллаштириш ва энергиятежамкор бурғилаш асбобларини яратиш, уларнинг турларини оқилона танлаш билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳозирда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда қудуқларни бурғилаш амалиёти шуни кўрсатадики, конларда тоғ жинсларини физик-механик шароитларига ва геологик минтақаларга биноан бурғилаш самарадорлигини оширишда бурғилаш асбобларини оптимал танлаш энг самарли усул ҳисобланади. Шу билан бирга, очик кончилик ишларида уч шарошкали долоталарни қўллашда, уларнинг периферик тожидаги тишларнинг тез емирилиши тоғ жинсларини парчаловчи асбобнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил бўлади. Шунинг учун барча ҳолатларда ҳам бурғилаш долотосининг танловини оптималлаштириш самарали бўлавермайди ва бу бурғилаш режимларини оптималлаштиришга ҳам таалуқлидир. Қудуқларни бурғилашда бурғилаш асбобининг бурғилаш тезлиги, барқарорлиги ва чидамлилиги мувозанатини ошириш ҳамда уларнинг таннархини пасайтириш масалалари бугунги кунда муҳандислар олдида юқори унумдор техник ва технологик ечимларни жорий қилиш заруратини тақозо этмоқда.

Республикамизда янги конларнинг очилиши ва изчил равишда бурғилаш ишлари ҳажмининг кўпайиши, тоғ-жинсларини парчалаш шароитининг мураккаблашиши билан ҳар хил турдаги юқори самарали тоғ жинсларини парчаловчи асбобларга эҳтиёж ортади. Бурғилаш ва портлатиш ишларини самарадорлигини оширишда энергия тежовчи ва иқтисодий самарали усулларни тадқиқ қилиш, янги энергия тежамкор бурғилаш асбобларини яратиш, бурғилаш ишлари таннархини камайтириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарориди «Энергия ҳажмини ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган ва рақобатбардош технологияларни кенг жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида,

шунингдек кон-металлургия саноатини янги иқтисодий даражага кўтариш учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш...»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бурғилаш ишларининг самарадорлигини ошириш ва бурғилаш долотларини чидамлилигини оширишда замонавий дастурлардан фойдаланган ҳолда моделлаштириш, янги энергия тежамкор бурғилаш ускуналари яратиш, кон-металлургия саноатини янги босқичга кўтариш ва портлатиш кудуқларини бурғилаш самарадорлигини ошириш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 15 сентябрдаги «Олмалиқ КМК» АЖ бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3280-сон ва 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тоғ-жинсларини парчаловчи асборларни яратиш, уларни такомиллаштириш ва моделлаштиришнинг илмий ва амалий ривожига Валиева К.Г., Зиявиддинов С.Ш., Кершенбаум В.Я., Колотаева Е.Г., Кудря В.А., Мальгин О.Н., Морозов О.Г., Пинчук Н.П., Подэрни Р.Ю., Попов В.Г., Пяльченков В.А., Рахимов Р.М., Сократов В.Г., Стеклянов Б.Л., Торғашов А.В., Тошов Ж.Б., Шамансуров И.И., Шеметов П.А., Abbas R.K., Benavides-Serrano, Jaime Maria, Kou S.Q., Labra C., Liu H.Y., Lindqvist P.A., Miska S., Mortimer L., Menezes, Ozbayoglu E., Onate E., Rajabov V., Rojek J., Shen Baotang, Tang C.A., Tulu, Wan Cheng, Yu Mengjiao, Zhou Yaneng ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишган. Улар томонидан ҳар хил турдаги долоталарнинг дизайни ва ишлашини яхшилашда муҳим натижаларга эришилган.

Бирок, тоғ жинсларини парчаловчи асбобларни яратиш ва такомиллаштириш соҳасида тадқиқот ва ривожлантиришнинг икки йўналиши мавжуд. Ҳозирги кунга келиб, бурғилаш долоталари ишчи органлари билан алоқада бўлган тоғ жинсларининг кучланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш, шунингдек шарошкали бурғилаш асбобларининг динамикасини тадқиқ қилиш ва уларни моделлаштириш масалалари тўлиқ

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сонли Қарори

ўрганилмаган. Шу билан бирга, долота элементларининг тоғ жинси билан динамик алоқаси йўқлиги сабабли ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд бўлиб, долотанинг кинематик параметрларини аниқлашда олинган натижаларда тоғ жинсини парчаловчи асбобнинг тишларини тошга кириб бориш кучлари ҳисобга олинмаган. Шу муносабат билан, тоғ жинсини парчаловчи асбоблар динамикасини чекланган элементлар усули асосида моделлаштириш ва такомиллаштириш кон-геология соҳасининг долзарб илмий-амалий муаммоси ҳисобланади ҳамда ушбу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Навоий давлат кончилик институтининг илмий-тадқиқот режасининг «Очиқ усулда қазиб олишда портлатиш қудуқларини бурғилаш учун шарошкали ва комбинацияланган долоталарни лойиҳалашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) ва «Портлатиш қудуқларни бурғилашда янги авлод тоғ жинсларини парчаловчи асбобларни яратиш ва синовдан ўтказиш» (2016-2017 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бурғилаш долоталарининг энерготежамкор шарошкали турини моделлаштириш усулида яратиш ва долота шарошкасининг периферик тожидаги тишларнинг жойлашувини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

очиқ кон ишларининг портлатиш қудуқларини бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбобларни лойиҳалаш орқали долота конструкциясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

чекланган элементлар усули асосида ишловчи ANSYS дастури ёрдамида долота шарошкасидаги тишларнинг жойлашувини мувофиқлаштириш учун долотанинг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини моделлаштириш;

ANSYS дастурида олинган натижалар асосида ёлғиз ва жуфт тишларнинг тоғ жинси билан ўзаро таъсир жараёнида тоғ жинсларини самарали парчалаш параметрларини тадқиқ қилиш;

долота тишларини тоғ жинси билан ўзаро таъсирини математик моделлаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

портлатиш қудуқларини бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбобнинг чидамлилигини таъминлайдиган, долота шарошкасининг периферик ва периферик остида жойлашган жуфт тишли уч шарошкали бурғилаш долотасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** очиқ кон ишларида бурғилаш ускунаси билан қудуқларни бурғилаш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тоғ жинсларини парчаловчи бурғилаш асбобидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда рақамли моделлаштириш усуллари, назарий умумлаштириш ва ишлаб чиқариш

шароитида экспериментал тадқиқотлар, тоғ жинсларини парчаловчи элементларининг скважина туби юзаси билан ўзаро таъсирини, шунингдек математик статистика ва тадқиқот натижаларини корреляцион таҳлил қилиш усулларини ҳисобга олган ҳолда тоғ жинсларини парчаловчи бурғилаш асбоблари динамикасини моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

математик ва рақамли моделлаштириш усуллари асосида лойиҳалаш муаммоларини оптималлаштириш йўллари такомиллаштирилган;

математик модел асосида бурғилаш долотаси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсиридаги физик жараённинг динамикасини баҳолаш учун муҳитнинг кучланганлик ҳолатини аниқлаш имконини берадиган деформация, деформация тезлиги ва ҳароратга боғлиқ тенгламани аналитик ечиш усули ишлаб чиқилган;

периферик тожлардаги ёлғиз жойлашган тишларга нисбатан жуфт жойлашган тишлар маълум чуқурликни 1,1-1,5 марта тезроқ босиб ўтиши аниқланган;

бурғилаш долотасининг тоғ жинси билан ўзаро таъсир қилиш жараёнини комплекс тадқиқотлар орқали рақамли моделлаштириш усулидан фойдаланиш дастлабки лойиҳалаш босқичида конструктив моделнинг заиф томонларини аниқлаш ва йўқ қилишга имкон бериши аниқланган;

портлатиш қудуқларни бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбобнинг чидамлилигини таъминлайдиган, долота шарошқасининг периферик ва периферик остида жойлашган жуфт тишли уч шарошқали бурғилаш долотасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

чекланган элементлар усули асосида ишловчи ANSYS дастури ёрдамида долота шарошқасидаги тишларнинг жойлашувини мувофиқлаштириш ва моделлаштириш асосида энергия тежамкор уч шарошқали бурғилаш долотасини яратиш услуби ишлаб чиқилган;

портлатиш қудуқларни бурғилашда узоқ муддатли чидамлилик хусусиятига эга, шарошқанинг периферик тожида тишлар жойлашуви яхшиланган уч шарошқали бурғилаш долотасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кенг миқёсдаги лаборатория ва саноат шароитидаги тажрибалар, бурғилаш долоталари элементларининг геометрик параметрларини математик ва рақамли моделлаштириш усуллари асосида ANSYS дастурида уларнинг тишларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилишда шарошқали долоталарнинг геометрик параметрларини қониқарли яқинлаштириш ва микдорий тасдиқлаш, шунингдек ишлаб чиқариш шароитида синов нусхаларни синовдан ўтказишда эришилган ижобий натижалар орқали исботланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тишларнинг жойлаштириш самарадорлиги ва тоғ жинсини парчалаш учун тишлар билан тоғ жинси ўзаро таъсирлашганда бурғилаш асбобларининг ишлашини аниқлаш;



моделлаштиришнинг математик ва рақамли усулларига асосланган ҳолда лойиҳалаштириш масалаларини ечиш услубини ишлаб чиқиш ва тоғ жинсининг парчаловчи асбоб таъсирида кучланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шарошканинг периферик ва периферик ости тожидаги жуфт тишлар билан жиҳозланган уч шарошкали бурғилаш долотасининг янги конструкциясини ишлаб чиқишда ётади, бу эса Протодяконов шкаласи бўйича  $f=8-12$  қаттиқликдаги тоғ жинсларни бурғилашга имкон берадиган тоғ жинсларини парчаловчи асбобларнинг чидамлилигини таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Очiq усулда қазиб олишда портлатиш қудуқларини бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбобларни тишлар билан жиҳозлантиришни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

энергия тежамкор уч шарошкали бурғилаш долотасини яратиш услуги «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Марказий кон бошқармасининг Мурунтау карьериди жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-06-07/12473-сонли маълумотномаси). Натижада уч шарошкали бурғилаш долотаси билан портлатиш қудуқларини бурғилашда бурғилашнинг ўртача тезлиги саноат долоталарига нисбатан 1,1-1,5 баравар ортиши ва тоғ жинсини парчалаш энергия ҳаражати 1,1-1,3 баравар камайиш имконини берган;

ишлаб чиқилган бурғилаш долотасининг конструкцияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Марказий кон бошқармасининг Мурунтау карьериди жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-06-07/12473-сонли маълумотномаси). Натижада, бурғилаш долоталарини импорт билан алмаштиришни таъминлаш ва бурғилаш ускуналарининг унумдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 1 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Қудуқларни бурғиладда тоғ жинсларини парчаловчи бурғиладда асбобларини лойиҳалашнинг бугунги кун ҳолати»** деб номланган биринчи бобда очик кон ишларида портлатиш қудуқларини бурғиладда техникаси ва технологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар адабиётлари таҳлил қилинган, уч шарошкали бурғиладда долоталари очик кон ишларида бурғиладда жараёнларидаги ҳажми ва асосий ишлаб чиқарувчиларнинг иш кўлами ёритиб берилган.

Портлатиш қудуқларини бурғиладда, очик кон ишларида бурғиладда жараёнларининг асосий ҳажми (тахминан 80%) уч шарошкали долоталар билан амалга оширилади. Бурғиладда долоталарининг мақбул турларини ишлаб чиқариш мақсадида, долоталардан фойдаланиш шартлари ва ўлчовларини, тишларни тожларга жойлаштиришни, пуфакчанинг турларини ва забойдаги иш шароитида подшипникларга тушадиган юктамаларни ва тоғ жинсларининг физикавий-механик хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш бурғиладда ва портлатиш жараёнлари маҳсулдорлигини оширишда ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, самарадорлигига қарамай, скважина тубидаги тоғ жинсларини экспериментал усуллар билан парчалаш жараёни тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш жуда қийин, аммо рақамли моделлаштириш усулида визуализациянинг мавжудлиги туфайли бошқа тадқиқот усулларида устун ҳисобланади, бу жараёни эса на дала синовлари пайтида, на лаборатория тажрибаларида тўлиқ кўриш мумкин.

Лойиҳалаш босқичида янада самарали тоғ жинсларини парчаловчи асбобларни яратишнинг асосий омили бурғиладда долотаси конструкцияси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини аниқ англашдир.

Диссертациянинг **«Долота тишларининг тоғ жинслари билан ўзаро таъсирининг математик ва чекланган элемент моделини яратиш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида бурғиладда долотаси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини чекланган элемент моделини яратиш асосларини, ҳамда математик ва компьютер моделлаштириш методикасини яратишни тадқиқ қилишга бағишланган.

Амалда, рақамли моделлаштириш усули ёрдамида бурғиладда жараёни динамикаси муаммоларини ҳал қилиш учун асосан маълум эмпирик модуллардан фойдаланилади. Муҳитнинг деформация-кучланганлик

ҳолатини аниқлаш вазифалари деформация, деформация тезлиги ва ҳароратнинг функцияси сифатида аниқланади

$$\sigma = f(\varepsilon, \dot{\varepsilon}, T). \quad (1)$$

Функциянинг ечими, ҳар хил физик жараёнларнинг динамикасини аниқлашдаги ечим сифатида, бурғилаш долотаси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирининг динамикасини баҳолашга имкон беради.

Кўпинча аксарият эмпирик моделларда юқоридаги кучланганлик функцияси кўпайтма сифатида олинади:

$$\sigma = f_1(\varepsilon) \cdot f_2(\dot{\varepsilon}) \cdot f_3(T). \quad (2)$$

бу ерда  $f_1, f_2, f_3$  - чизикли, даражали, экспоненциал тасвирнинг

бирлаштирилган функцияси;

$\varepsilon$  - деформация;

$\dot{\varepsilon}$  - деформация тезлиги;

$T$  - ҳарорат.

Ушбу эмпирик келиб чиқадиган моделларнинг энг машҳури бу Джонсон-Кук модели бўлиб, у жинсининг ҳароратга боғлиқ бўлган вископластик реакцияларини аниқлашга имкон беради, бунда учта таъсир кетма-кет келтирилади: деформациянинг қаттиқлашиш таъсири, кучланиш даражасига таъсирчанлик ва ҳарорат ўзгариши таъсири.

Моделнинг умумий формуласи қуйидагича:

$$\sigma_p = (A + B\varepsilon_p^n) \left(1 + C \ln \dot{\varepsilon}_p\right) \left[1 - \left(\frac{T - T_r}{T_m - T_r}\right)^m\right]. \quad (3)$$

Маълумки, Тейлор қаторига кўра, логарифмик функция орқали  $\ln(x+1) = \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \frac{x^n}{n}$ ,  $-1 \leq x \leq 1$  ифодаланлади. Агар биз ушбу формулани модел

(3) учун қўлласак, унда биз қуйидаги ифодани оламиз:

$$\sigma_p = (A + B\varepsilon_p^n) \left(1 + C \left(\dot{\varepsilon}_p - 1 - \frac{(\dot{\varepsilon}_p - 1)^2}{2} + O(\dot{\varepsilon}_p^3)\right)\right) \left[1 - \left(\frac{T - T_r}{T_m - T_r}\right)^m\right], 0 < \dot{\varepsilon}_p \leq 1. \quad (4)$$

Ифода (4) тоғ жинсининг кучланганлик ҳолатини юқори аниқлик билан ҳисоблаш имконини беради.

Джонсон-Кук моделининг камчиликларидан бири шундаки, пластик деформация пайтида ҳарорат ва кучланиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик ҳисобга олинмаган. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу камчиликни баргараф этиш учун қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинган:

$$\sigma_p = (A + B\varepsilon^n) \left(1 + \frac{\dot{\varepsilon}}{C}\right)^{\frac{1}{\rho}} \left[1 - \left(\frac{T - T_r}{T_m - T_r}\right)^m\right] + \left(\frac{\rho C_v T}{\eta \dot{\varepsilon}_p}\right) \quad (5)$$

Шундай қилиб, математик модел асосида бурғилаш долотаси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсиридаги физик жараённинг динамикасини баҳолаш учун муҳитнинг кучланганлик ҳолатини аниқлаш

имконини берадиган деформация, деформация тезлиги ва ҳароратга боғлиқ тенгламани аналитик ечиш усули ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Тоғ жинсларини парчаловчи асбобининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида бурғилаш долотасининг тоғ жинси билан ўзаро таъсир динамикаси, уч шарошкали саноатда фойдаланилаётган ва янги долоталарнинг бир дона шарошкалари ва тоғ жинси ўртасидаги алоқани ANSYS Explicit Dynamics дастурида такомиллаштириш ўрганилган.

ANSYS дастурида шарошканинг танасида ёлғиз ва жуфт жойлашган тишларнинг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш учун қуйидаги параметрлар бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилди: таҳлил учун бурчак тезлиги дақиқасига 60, 80 ва 100 айланма, ва аксиал юклама 20, 25 ва 30 кН (4 мс). Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, янги долотанинг бурчак тезлиги дақиқасига 80 айланма ва аксиал юклама 20 кН бўлган тақдирда, саноат долотасининг бурчак тезлиги дақиқасига 100 айланма ва аксиал юклама 30 кН қиймат натижаларидан устун чиқди.



1-расмда симуляция жараёни бошланишида кучланганлик қандай қилиб энг юқори чўққига кўтарилиши кўрсатилиб, максимал кучланиш айланма ҳаракатланувчи шарошка тишларининг дастлабки алоқа нуқтаси (тишларнинг тоғ жинсига кириш нуқтаси)да содир бўлиши тўғрисида сигнал берилади. Энг юқори кучланиш 14,38 МПа га тенг бўлиб, бу вақтда аксиал юклама ва зарбдор-айланма ҳаракати остида шарошка тишлари тоғ жинсининг контакт қисмини парчалайди.

Жуфт жойлашган тишли конструкциянинг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики (2-расм), контакт зонасидаги кучланишнинг энг юқори қиймати 21,11 МПа ни ташкил этади, бу саноат долотасининг кўрсаткичларидан анча юқори.



Бундан ташқари, тишларнинг тоғ жинсининг 5мм чуқурлигига кириш тезлигини тадқиқ қиламиз.

Натижалар шуни кўрсатадики, янги долотанинг шарошкасидаги тишлар тоғ жинси бўйлаб худди саноат долотасининг амалиётида бўлгани каби (3-расм) зарбдор-айланма ҳаракат қилади (4-расм), бироқ 5 мм ли чуқурликни тезроқ кириб бориши кузатилади, яъни мос равишда янги долота учун 1,5656 мм/с ва саноат долотаси 1.4751 мм/с.



Барчага маълумки, бурғилашнинг механик тезлиги деб 1 метр чуқурликни тоғ жинсларини парчалаб босиб ўтиш учун долотанинг скважинадаги тезлигига айтилади. ANSYS дастуридаги экспериментлар натижаларини қиёсий таҳлил қилишда натижалар шуни кўрсатадики, периферик тожлардаги тишларнинг жуфт жойлашиши бир доналик тиш жойлашуви ёки бугунги кунда саноатда ишлатиладиган долотага нисбатан 1 метрли чуқурликни босиб ўтиш учун тезроқ ҳаракат қилади.





**1-расм. Саноат долотасининг шарошкasiдаги тишларнинг тоғ жинси билан контакт қисмидаги эквивалент кучланиш**



**2-расм. Янги долотанинг шарошкasiдаги тишларнинг тоғ жинси билан контакт қисмидаги эквивалент кучланиш**







**3-расм. 5 мм ли тоғ жинси чуқурлигига саноат долотасининг шарошкasiдаги тишларнинг кириш тезлиги**



**4-расм. 5 мм ли тоғ жинси чуқурлигига янги долотанинг шарошкasiдаги тишларнинг кириш тезлиги**

Пластик деформацияни тадқиқ қилиш натижалари (5-расм ва 6-расм) шуни кўрсатадики, битта ва жуфт тишлар киритилганда тошнинг максимал пластик деформациялари мос равишда 1,4694 мм/мм ва 1,4986 мм/мм қийматларига эга.

Кўришиб турибдики, нисбатан кам аксиал юклама ва бурчак тезлигига қарамадан, жуфт жойлашган тишли шарошқалар ёлғиз жойлашган тишли шарошқаларга нисбатан тоғ жинсини кўпроқ деформациялайди.





**5-расм. Тоғ жинсининг саноат долотасининг шарошқасидаги тишлар таъсиридаги пластик деформацияси**



**6-расм. Тоғ жинсининг янги долотанинг шарошқасидаги тишлар таъсиридаги пластик деформацияси**

Жуфт жойлашган тишларни тоғ жинси билан таъсири натижасида ўзаро таъсир зонасидаги максимал ҳарорат 142.11 °C га етади, бу ҳарорат саноат долотасининг кўрсаткичларига нисбатан 30% камайтириш имконини беради ва тишларнинг термик емирилиш хавфини камайтиради (7 ва 8 расмлар).


Экспериментлар натижаларини (9 ва 10-расмлар) бурчак тезлиги ва аксиал юкламаларнинг турли қийматлари билан кўриб чиқамиз. 9-расмда бир хил юкламалар билан янги долота учун дақиқасига 80 айланма тезлик ва саноат долотаси учун дақиқасига 100 айланма тезлик, 10-расмда эса жуфт тишли долота учун 20 кН ва дақиқасига 100 айланма бурчак тезлиги ҳамда ёлғиз тишли долота учун 30 кН ва дақиқасига 100 айланма бурчак тезликли моделлаштириш натижалари кўрсатилган.




**7-расм. Саноат долотасининг шарошкасидаги тишлар ва тоғ жинси ўртасидаги ўзаро таъсири зонасидаги ҳарорат**



**8-расм. Янги долотанинг шарошкасидаги тишлар ва тоғ жинси ўртасидаги ўзаро таъсири зонасидаги ҳарорат**




**9-расм. Эквивалент кучланиш: саноат долотаси: 20кН, 100 ай/д; янги долота: 20кН, 80 ай/д**



**10-расм. Эквивалент кучланиш: саноат долотаси: 30кН, 100 ай/д; янги долота: 20кН, 100 ай/д**

Тоғ жинсини парчаловчи асбобнинг парчалаш самарадорлиги тўғрисида чуқур тушунчага эга бўлиш учун саноат долотаси тишлари ва янги долота тишлари ва тоғ жинси орасидаги ўзаро таъсир тажрибаларини таққослаш графикалари куйида келтирилган (11-расм).





**11-расм. Саноат ва янги долоталар натижаларини таққослаш: а) умумий тезлик; б) эквивалент кучланиш; в) пластик кучланиш; г) таъсир зонасидаги ҳарорат**


Шундай қилиб, ANSYS дастурий таъминот тўпламида олинган натижаларга кўра, периферик тожда тишларнинг жуфт жойлаштирилгани ёлғиз жойлашган тишларнинг таъсиридан кўра кўпроқ таъсирга эга.

Диссертациянинг «**Энерготежамкор тоғ жинсларини парчаловчи асбобни яратиш**» деб номланган тўртинчи бобида тоғ жинсларини парчаловчи асбобнинг энергия тежайдиган моделини яратиш алгоритми келтирилган, уч шарошкали бурғилаш долотасининг янги дизайни саноат муҳитида синовдан ўтганлиги, тоғ жинсини парчаловчи асбобнинг ишлашини яхшилаш бўйича техник ечимлар берилган ва тавсия этилган техник ечимларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Уч шарошкали бурғилаш долотасининг ишлаб чиқилган янги дизайни (12-расм) цапфаларга ўрнатилган шарошка панжаларини (1), ички ва периферик тожлардаги (2) қаттиқ қотишмали тишлар (3) дан ташкил топган бўлиб, иккита шарошканинг периферик ва периферия ости тожларида масофаси битта тиш ўлчамига тенг бўлган жуфт тишлар билан жиҳозланган ва учинчи шарошканинг тожига жуфт тишлардан қолган тоғ жинси қисмларини парчалаш учун жуфт тиш катталигининг 0,5 поғонаси билан ўрнатилади ҳамда биринчи шарошкада жуфт тишлар периферик тожнинг ўнг томонига, иккинчи шарошкада эса биринчи шарошкадаги тишларнинг диаметридан 1,5 баравар ортда, тожнинг чап томонига ўрнатилади; учинчи шарошкада тож айланаси бўйлаб марказда - биринчи шарошканинг тишларининг диаметридан 0,5 баравар ортда қолган ҳолда жиҳозланади. Шарошкаларнинг ички тожларига, иккита шарошканинг периферик тождан ташқари, битта тишнинг диаметри қадами билан бир қаторли тишлар



ўрнатилади. Натижада периферик тожларда тишларнинг ҳар хил бурчак остида жойлаштириш силлиқ юза ҳосил бўлиш жараёнидан қочишга имкон беради ва скважина сатҳидаги тоғ жинсларини самарали парчалашга ёрдам беради.



**12-расм. Уч шарошкали бурғиладолотаси**

Уч шарошкали долотанинг ишлаб чиқилган дизайни Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг Мурунтау карьеридан X дан XII гача бўлган бурғиладолотаси тоифаларидаги тоғ жинсларини бурғиладолотаси тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилди. Натижада, янги конструкциядаги уч шарошкали бурғиладолотасининг портлатиш қудуқларини бурғиладолотаси бурғиладолотасининг ўртача тезлиги саноат долотаси билан таққосланганда 1,1-1,5 баравар ортиши ва парчалаш энергия ҳажмини 1,1-1,3 бараварга пасайиши, ҳамда 2020 йил нархларида бир дона долота учун 28,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик олинганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

«Портлатиш қудуқларини бурғиладолотаси учун энерготезамкор шарошкали бурғиладолотаси асбобларини яратиш ва моделлаштириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Математик модел асосида ишлаб чиқилган деформация, деформация тезлиги ва ҳароратга боғлиқ тенгламани аналитик ечиш усули бурғиладолотаси элементларининг тоғ жинси билан ўзаро таъсиридаги физик жараённинг динамикасини баҳолаш учун муҳитнинг кучланганлик ҳолатини аниқлаш билан изоҳланади.

2. Бурғиладолотасининг тоғ жинси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш орқали рақамли моделлаштириш усулидан фойдаланиш дастлабки лойиҳалаш босқичида конструктив моделнинг заиф томонларини аниқлаш ва бартараф этишда тавсия этилади.

3. ANSYS дастуридаги экспериментал тадқиқотда, жуфт тишлар тоғ жинси билан контакт ҳосил қилганда ўзаро таъсир зонасидаги максимал ҳарорат  $142,11^{\circ}\text{C}$  га етиши аниқланди, бу эса ҳароратни саноат долотасига нисбатан 30 фоизга камайтириш ва тишларнинг термик емирилиш хавфини камайтиради.

4. ANSYS дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда юқори самарали тоғ жинсларини парчаловчи асбоб ишлаб чиқилди ва моделлаштирилди, бу натижаларга тезроқ эришиш, вақт ва материаллар жиҳатидан тежамли бўлишига имкон беради ва саноат ёки лаборатория шароитида ўтказиладиган тажрибалардан кам бўлмаган оқилона натижаларга эришилади.

5. Тоғ жинсларини парчаловчи асбобларнинг лойиҳалаш параметрлари яратилган алгоритм асосида ўрнатилди, бу эса юқори маҳсулдор бурғилаш долоталарини яратиш жараёнини такомиллаштиришга тавсия этилади.

6. Ишлаб чиқилган уч шарошкали бурғилаш долотасининг периферик ва периферия ости тоғларда жуфт тишлар билан жиҳозланган янги конструкцияси портлатиш қудуқларини бурғилашда тоғ жинсларини парчаловчи асбобнинг чидамлилигини оширади.

7. Периферик ва периферия ости тоғларида жуфт тишлар ўрнатилган бурғилаш асбоби шарошка танасида ўрнатиладиган тишлар сонини 12-13% гача камайтириш ва энергия самарадорлигини 14% га ошириш имконини беради.

8. Диаметри 215,9 мм бўлган уч шарошкали бурғилаш долотасининг яратилган дизайни «АЗИА-ГОРМАШ» МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқарилди. «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Марказий кон бошқармасининг Мурунтау карьерида тажриба синови ўтказилди. Натижада, янги конструкциядаги уч шарошкали бурғилаш долотасининг портлатиш қудуқларини бурғилашда бурғилашнинг ўртача тезлиги саноат долотаси билан таққосланганда 1,1-1,5 баравар ортиши ва парчалош энергия ҳажми 1,1-1,3 баравар камайиши аниқланди. Яратилган янги уч шарошкали бурғилаш долаотасининг бир донаси йилига 28,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
«МИСиС» В ГОРОДЕ АЛМАЛЫК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТОШНИЁЗОВ ЛАЗИЗЖОН ГОЛИБ УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА И МОДЕЛИРОВАНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫХ  
ШАРОШЕЧНЫХ БУРОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ДЛЯ БУРЕНИЯ  
ВЗРЫВНЫХ СКВАЖИН**

**04.00.16 – Горные машины**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Алмалык – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.4.PhD/T672.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.misis.uz](http://www.misis.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Тошов Жавохир Буриевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Рахутин Максим Григорьевич  
доктор технических наук, профессор

Махмудов Азамат Махмудович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** АО «Алмалыкский ГМК»

Защита диссертации состоится «16» января 2021 года в «14:00» часов на заседании Научного совета DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 (Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Зал заседаний Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в городе Алмалык. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [afnitumis@mail.ru](mailto:afnitumis@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальном исследовательском технологическом университете «МИСиС» в городе Алмалык (зарегистрирован за № 20-4-Д). Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Тел.: (70) 614-22-57.

Автореферат диссертации разослан «29» декабря 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №4 от 29 декабря 2020 года).



**Ф.Я. Умаров**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**Г.С. Нутфуллаев**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

**Ю.Д. Норов**

Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире открытый способ разработки полезных ископаемых является преимущественно преобладающим видом разработки за счет своей безопасности, легкости и управляемости относительно подземного способа. В связи с высокой стоимостью и трудоемкостью, буровзрывные работы в открытых горных работах являются одним из основных производственных процессов. Основная часть процесса бурения при открытых разработках, т.е. 80-85% выполняется трехшарошечными буровыми инструментами. В карьерах глубина взрывных скважин составляет 5-36 метров, а для разрушения горных пород используются более 100 видов бурового инструмента. Снижение стоимости буровых работ в процессе открытой горной разработки может сократить расходы от общей стоимости добычи полезных ископаемых до 25-55%. Повышение эффективности и снижение производственных затрат за счет исследования всего процесса буровзрывных работ приводит к повышению производительности и эффективности буровых работ. Решение задач по оптимизации процесса буровзрывных работ и разработки энергоэффективных буровых инструментов, рационального выбора их видов имеет высокую актуальность.

На сегодняшний день, практика бурения скважин в мире показывает, что оптимальный выбор бурового инструмента является наиболее эффективным способом повышения эффективности бурения на месторождениях с учетом физико-механических свойств горных пород и геологических регионов. Тем не менее, при использовании трехшарошечных долот в открытых горных разработках, быстрый износ зубков на периферийном венце долота является фактором, влияющий на эффективность породоразрушающего инструмента. Поэтому во всех случаях оптимизация выбора бурового долота неэффективна, и это также относится к оптимизации режимов бурения. Создание оптимальной конструкции долота требует сбалансированности соотношений скорости, стабильности, долговечности бурения и снижения себестоимости, что на сегодняшний день требует от инженеров разработки высокопроизводительных технических и технологических решений.

В республике с разработкой новых карьеров и последовательно, увеличение объема буровых работ, усложнение условий разрушения горных пород, потребность на высокоэффективные породоразрушающие инструменты разного типа возрастает. Достигнуто ряд научно-практических результатов по исследованию энергосберегающих и экономичных методов повышения эффективности буровзрывных работ, созданию новых энергоэффективных буровых инструментов, за счет внедрения передовых научно-обоснованных мер по снижению затрат на буровые работы. В Постановлении Президента Республики Узбекистан определены важные задачи по «Сокращению энергоемкости и ресурсоемкости, широкому внедрению в производство энергосберегающих и конкурентоспособных технологий, повышению производительности труда в отраслях экономики, а

